# 1441 Алишер Навоий 1501

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ,
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

● 1991 йил 9 февраль ● шанба

№ 29 (10.025). Баҳоси 10 тийин.

# АССАЛОМ, БУЮК ДАҲО!

**АЛИШЕР НАВОЙИ — ўзбек халқининг даҳо шоири, буюк мутафаккири ва давлат арбоби, комил инсон... Яхшиямки, ўзбекларнинг бахтига шундай улуғ бир зот яралган эканки, мана, беш-беш ярим асрдан буён унинг ёзиб кетган беқиёс асарлари, халқимизнинг миллий ғururини англаши ва эл-юрт маъмурчилигини кўтаришдаги хизматлари билан ҳақли равишда фахрланамиз. Бироқ...**

**Кейинги етмиш йил давомида халқимиз Алишер Навоийдан анча узоқлашиб кетди. Қатағон, шахсга сиғиниш ва турғунлик йиллари... Алифбомизнинг бир неча марта ўзгариши... Миллий маданиятимизнинг кўр-кўрона Ғарбга қараб юз тутиши...**

**Ҳозирги қайта қуриш халқимизга ўзлигини англаши учун жуда катта имконият берди. Биз бундан ниҳоятда унумли фойдаланишимиз, улуғ бобокалонларимиз, жумладан, Навоий яратган маънавият чўққисига интилишимиз, унингдек комил инсон бўлишга ҳаракат қилишимиз лозим. Зеро, Ўзбекистон Президентининг Фармони билан 1991 йил — Алишер Навоий йили деб эълон қилинди. Демак, даҳо шоир ва мутафаккир таваллудининг 550 йиллигига бағишланган тадбирлар жумҳуриятимизда йил бўйи давом этади. Бугун — 9 февраль бу улкан маъраканинг муқаддимаси, холос.**



ЖАМОЛ КАМОЛ

# УСТОЗ САБОҚЛАРИ

Ўн бешинчи аср — ўзбек шеъриятининг олтин асри... Ўша аср қўйнидан Алишер Навоийнинг мунаввар сиймоси бизга ҳамиша термулиб туради. Замонлар оралаб, даврлар ошиб, илгарилаб борарканмиз, биз ҳам ҳар замон бир қайрилиб, ўша буюк сиймога термуламиз: бўйимизни унинг қадду-қомати ила қиёслаймиз, сўзимизни унинг сўзи тарозусида тортиб кўрамиз, фикримизни унинг фикр теранлиги билан ўлчаймиз... Дарҳақиқат, Навоий — халқ тимсоли, миллат тимсоли даражасига кўтарилган санъаткор. Дунё олдида «НАВОИЙ МИЛЛАТИДАНМИЗ, НАВОИЙ АВЛОДИМИЗ» деб кўкрак керишга ҳаққимиз бор...

Навоий ҳақида кўп ва хўб китоблар ёзилди, тадқиқотлар яратилди, фикрлар айтилди. Йиллар ўтаркан, яна ёзилаверади, яратилаверади, айтилаверади. Негаки, ҳар бир авлод «АЛИШЕР НАВОИЙ» деб аталган денгизга ўзича кўз солади, унинг мовий мавжларини, бетиним тўлқинларини ўзича кашф этади, уларни ўз сўзи билан айтишга интилади. Навоий баҳонасида ўзини сўзлайди, ўзи баҳонасида замонасини, замонларга адад йўқ, авлодларга чек. Демак, Навоийхонлик давом этаверади, Навоий ҳақида сўз ҳам, дунё бор экан, бетиним жаранглайверади, авлодлар Навоий дарсхонасида дарс ўқийверадилар...

(Давоми 4-бетда).

# СССР ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ МАЖЛИСИ

7 февраль куни Кремлда А. И. Лукьянов раислигида СССР Олий Кенгаши Раёсатининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда 50 ва 100 сўмлик пулларни алмаштиришга оид ишларнинг дастлабки якунлари тўғрисида, шунингдек истеъмол бозорини барқарорлаштириш ҳамда СССР халқ депутатлари съездларининг ва СССР Олий Кенгашининг қарорларига мувофиқ нарх сиёсатини ўтказиш юзасидан ҳукумат белгилаётган келгусидаги тадбирлар тўғрисида СССР Бош вазири В. С. Павловнинг ахбороти тингланди. Раёсат Вазирлар Маҳкамаси тақдим этган таклифларни қўллаб-қувватлаб, амалга оширилаётган тадбирларни товон тўлаш

(Давоми иккинчи бетда).

## ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессияси 1991 йил 14 февраль соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси мажлислар залида очилади.

## СССР ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

чоралари ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш билан мустаҳкамланган ҳолда ушбу масалалар барча иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятлар томонидан бир вақтда ҳал этилиши зарурлигини таъкидлади.

Халқаро ишлар комитетининг раиси А. С. Дзасоховнинг ахбороти асосида СССР Олий Кенгашининг 1991 йилга мўлжалланган халқаро алоқалар режаси кўриб чиқилди ва маъқулланди.

СССР Олий Кенгашининг комитетлари ва унинг палаталари комиссиялари таклиф этган ва СССР Олий Кенгашининг бўлажак сессиясида кўриб чиқиш учун топширилган масалалар рўйхати маъқулланди. Ушбу масалалар иқтисодий ислоҳот ўтказиш, жамиятни ижтимоий ривожлантириш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга оид кўпдан-кўп муаммоларни ўз ичига олади.

ССР Иттифоқининг тақдири тўғрисида 1991 йил 17 март куни референдум ўтказишга қандай тайёргарлик кўрилаётгани муҳокама қилинди. Мазкур масала юзасидан СССР Референдуми Марказий комиссиясининг раиси В. П. Орловнинг ахбороти тингланди. Раёсат умумиттифоқ референдуми тўғрисидаги қонун талаблари ва унда кўзда тутилган ҳар бир совет фуқароси ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаши кафолатлари бутун мамлакат ҳудудида қатъиян бажарилишини таъминлаш зарурлигини яна бир бор таъкидлади.

Мажлисда давлат турмушига доир баъзи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ТАСС).

## ПАРТИЯНИНГ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРИ КУЧАЙТИРИЛСИН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда янги шароитда партиянинг мафкуравий ва оммавий-сиёсий ишларининг асосий йўналишлари муҳокама қилинди. Кенгаш қатнашчилари — вилоят партия комитетларининг мафкуравий масалалар билан шуғулланувчи котиблари, шу соҳадаги фаоллар, коммунистларни ўткир сиёсий курашга тортишаётган шароитда партия давр талабларини ҳисобга олиб ўз ишини қайта қуриши лозимлигини таъкидладилар. Бу ишда партия комитетлари ва ташкилотлари меҳнаткашларнинг кенг табақаларига таянишлари, ижтимоий турмуш жараёнларига, янги иқтисодий, сиёсий ва маънавий муҳитни вужудга келтиришга фаол қўшилишлари лозим. Юз берган мураккаб вазиятда содир бўлаётган воқеаларнинг моҳиятини, партиянинг мақсадларини одамларга тушунтириш зарур.

Партиянинг тарбиявий ишларини кучайтириш лозим, — деб ҳисоблашди кенгаш қатнашчилари. Ҳозирги пайтда партиянинг обрўси сўз билан эмас, балки иш билан мустаҳкамланади. Бу ишлар энг аввало сиёсий ва иқтисодий аҳволни барқарорлаштиришга, одамларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг ишончли системасини яратишга, уларнинг фаровонлигини оширишга қаратилган.

Ҳозирги вақтда тенг ҳуқуқли, мустақил Совет Социалистик Республикалари Федерацияси сифатида иттифоқимизнинг келажаги тўғрисидаги умумхалқ референдумига тайёргарлик кўриш муҳимдир. Янгиланган иттифоқ қандай бўлиши хусусида айни халқ ўз фикрини айтиши лозим. Ўз шахсий сиёсий нафсониятини кўзлаб ишни ажралиш сари олиб бораётган, халқлар ўртасидаги азалий байналмилал алоқаларни бузишга тайёр турган кишиларнинг овозини фақат халқ овози бўғиб қўйишга қодир эканлиги таъкидланди. Шу муносабат билан кенгаш қатнашчилари барча босқичларда қонунийлик ва тартибни, интизомни таъминлайдиган ҳокимият муассасаларини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш муҳимлиги тўғрисида манфаатдорлик билан гапирдилар.

Кенгашда партия комитетлари олиб бораётган лекция иши муаммолари, аҳолининг турли табақалари орасида бу ишни такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди. Меҳнаткашларни ва, айниқса, ёшларни байналмилалчилик ва даҳрийлик руҳида тарбиялашда партия комитетлари ва «Билим» жамиятининг ташкилотлари ҳузурида иш олиб бораётган ижтимоий-сиёсий марказлар ўзаро алоқаларининг аҳамияти ортади.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Ж. Ҳ. Ҳамидов, Ўзбекистон ССР Президентининг маслаҳатчиси С. Ш. Зиёмов, республика Олий Кенгаши Раёсатининг масъул ходимлари сўзга чиқдилар.

Кенгаш қатнашчилари иш тажрибаларини ўртоқлашдилар.

(ЎзТАГ).

# ТИББИЙ ХАЙРИЯ






● САУДИЯ Арабистонидаги қардошларимиз Ўрта Осиё минтақасидаги кўмакка муҳтож хаста ва ногиронларга ўзларининг навбатдаги ҳадяларини тортиқ қилдилар. Жўнатилган қоғоз яшчиклар ичида ярим миллион дона бир марта фойдаланиладиган шприцлар бор эди. Куни кеча диния бошқармасида мазкур совғалар Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармаси ҳамда жумҳурият соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари иштирокида аталган қўлларга топширилди. Суратларда: совғаларни қабул қилиб олиш пайти.

Сураткаш И. ШЕРБЕК.

*● Вилоят прокуратурасида*

## СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛГАНЛАР ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

1961 йилда чиқарилган 50 ва 100 сўмлик пулларни тўлов учун қабул этишни тўхтатиш ҳамда фуқароларнинг омонатларидан нақд пул беришни чеклаш тўғрисида СССР Президентининг Фармони чиққандан сўнг вилоятимиз шаҳар ва ноҳияларидаги прокурорларнинг эътибори уни бажариш устидан назоратни кучайтиришга қаратилган эди.

Хўш, чайқовчиликка, порахўрликка, меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш мақсадида кўрилган бу тадбир жойларда қандай амалга оширилди. Вилоят прокурори, учинчи класс давлат адлия маслаҳатчиси А. Маннонов бу саволга шундай жавоб берди:

— Давлат, кооператив, жамоат корхоналари, ташкилот ҳамда муассасалар Фармон талабларига асосан риоя қилдилар. Шу билан бирга мансабдор шахслар томонидан суиистеъмолликка йўл қўйиш ҳоллари ҳам аниқланди.

— Уларни айтиб беролмайсизми?

— Турли суиистеъмолликларга йўл қўйган Пискент, Ғалаба, Бўка ва Бўстонлиқ ноҳияларининг мансабдор шахсларига нисбатан вилоят прокуратура идоралари жиноий иш қўзғадилар ва текширишлар олиб бормоқдалар.

Янгийўл шаҳар савдо ташкилотларида аниқланган нотўғри ишлар учун икки мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимидан бўшатилди. Шаҳар савдо бўлими директори М. Мирзакаримовга эса қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди.

Вилоят прокурори ҳамма ерда текшириш ҳали давом этаётганлигини ҳам таъкидлади.

*● ЎҚИТУВЧИ—91*

## ЭНДИ ШАҲАРДА ҚАТНАШАДИ

**БУ йил ўқитувчилар малакасини ошириш, уларнинг ёшларга пухта билим беришлари учун шарт-шароитлар яратиш, илғор муаллимларни кўрикларда синаб, энг муносибларини моддий ва маънавий рағбатлантиришга ҳар қачонгидан ҳам эътибор кучайди. «Ўқитувчи—91» кўрик-танлови бу борадаги аниқ тадбирлардан биридир. Биз яқинда муштарийларимизга вилоятимизнинг шаҳар ва ноҳияларида ўтган ана шундай мусобақалар ҳақида ҳикоя қилган эдик.**

Яқинда Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов ноҳиясида ҳам шундай кўрик-танлов бўлиб ўтди. Ўша куни 287-ўрта мактаб биносига кўрикда иштирок этишга таклиф этилган 15 нафар ўқитувчи билан биргаликда кўплаб томошабинлар, муаллимларнинг ҳамкасблари, ота-оналар ҳам тўпландилар.

Кўрик-танлов иштирокчиларига беллашув шарти изоҳлаб берилди. Шундан сўнг улар ўз фанлари бўйича 20 минут давомида дарс ўтиш услубларини кўрсатдилар, ўқувчи, ота-она билан муомала, фавқулодда ҳолларда ўқувчи билан муносабат, ихлос қўйилган иккинчи касб, бўш вақтни ташкил этиш юзасидан баҳс бошланди.

Бу мусобақада 195-ўрта мактабнинг адабиёт ўқитувчиси Н. Ғуломова 28,7 балл тўплаб, биринчи ўринни эгаллади ва 200 сўмлик мукофотга сазовор бўлди. Ноҳия ижроия қўмитаси ва халқ таълими бўлими қарори билан унга 1 мартдан бошлаб 1 сентябргача ойлик маошига 50 сўмдан қўшиб бериш ҳам таклиф этилди. 197-ўрта мактабдан А. Тўлаганова иккинчи ўринга эришди ва 150 сўмлик мукофотни қўлга киритди. Учинчи ўринни 44-ўрта мактаб ўқитувчиси В. Нога қўлга киритди. Унга 100 сўмлик мукофот берилди.

Кўрикнинг қолган иштирокчиларига сафар йўлланмалари бериладиган бўлди. Й. Эргашев бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати кўрик-танлов ғолиби Н. Ғуломованинг Тошкент шаҳар ўқитувчилар мусобақасида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлганлигини маълум қилди.

Ю. ҚОБИЛЖОНОВ.

# • Азалий ва абадий қонуният •

## ТАБИАТ ВА ИНСОН

ИНСОН табиатнинг бир бўлаги Унинг яшашини таъминлаб беради. Одамга кислород, овқатланиш учун озуқа, ичиш учун сув беради. Умуман олганда биз атрофимизни ўраб турган табиат ҳисобига яшаймиз. Миллион йиллардан бери табиат ўз бойликларини хотамтойлик билан инсонга бериб келмоқда. Аммо бир кун келиб бу бойликлар битмасмикан, деб ўйламаймиз. Маълумки, ҳар қандай кичик детал ёки оддий механизм бутун комплексни ишдан чиқаради. Буни биламиз, ўрмон ёки дарахтларнинг барбод бўлиши иқлимга, жонивор ва қушларга салбий таъсир кўрсатади. Ўрмон ҳимоясидан маҳрум бўлган дарёларнинг суви камаяди, тупроқ эса сув ва шамол таъсирида эррозияга учрайди. Инсон ҳаётида, айниқса иқлими қуруқ бўлган бизнинг республикамизда сув ва ўсимликлар дунёси беқиёс катта аҳамиятга эга.

Табиатни асрашни кишилар ўтмишдан олий мақсад қилиб қўйганлар. Ҳатто табиатга шафқатсизлик қилганлар унинг қаҳрига учрайди, деб диний тус берганлар. Аслида ҳам бундай эътиборсизлик биосфера мувозанатининг бузилишига олиб келади. Ер, сувга кимёвий ва биологик чиқитлар билан таъсир қилиш ҳам салбий оқибатларга сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси эса инсонни маънавий қашшоқликка, руҳий ва жисмоний заифликка олиб келади. Масалан, баъзи регионларда ҳаво таркибидаги карбонат ангидрид миқдори ортиши ҳаво ҳароратининг кўтарилишига сабаб бўлмоқда. Олимларнинг фикрича ер ҳароратининг 5 даража ортиши экологик ҳалокатга олиб келади.

Ҳисоблашга кўра Ўзбекистонда мавжуд бўлган оқар сувнинг 90 фоизи суғоришга, 8 фоизи саноатга, 1 фоизи коммунал хўжаликларга, 1 фоизи балиқчиликка сарф бўлади. Республикамизда 3,8 миллион гектар суғориладиган ер майдонимиз бор. Сув етишмаслигидан ҳатто шўрланган зовур сувлари ҳам ишлатилмоқда. Ҳозир 1 гектар суғориладиган ерга 200—220 килограмм азот, 180 килограмм фосфор, 80—100 килограмм атрофида калий ўғитлари берилмоқда, бегона ўтлар, зарарли ҳашаротларга қарши дефолиация қилинмоқда.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган кимёвий моддалар тури 100 хилдан ошиб кетди. Уларнинг маълум қисми тупроқларга сингиб дарёларга қўшилади. Уни эса инсон ҳам истеъмол қилмоқда. Умуман ҳар литри бир грамм миқдорида минераллашган сув суғоришга яроқли ҳисобланади. Агар бундан

# МУВОЗАНАТ

ошса ўртача бир йилда бир гектар жойга 4—5 тонна хилма-хил тузлар тушади, деган сўз.

Биз ўсимликларни яшил дўстларимиз деймиз, аслида шундай. Аммо унга доимо «ҳамдард» бўлаётганимиз йўқ. Ўсимликлар ҳавони чанг ва бошқа хил зарарли моддалардан тозалайди, айни вақтда ўзи ҳам газ ва чанглардан қаттиқ зарарланади. Шунинг учун ўсимликлар дунёсига ўз вақтида ишлов бериш, суғориш ва озиқлантиришни кечиктирмаслик керак. Масалан, бир гектар майдон дарахтзор ҳаво таркибидаги карбонат ангидриднинг 68 тоннасини ўзлаштиради. Ўрмон, яъни дарахтзор бор жойда очиқ жойга нисбатан радиактив модда 2 ҳисса кам бўлади. Бир гектар арчазор 1 суткада 30 килограмм фитанцид модда чиқаради. Бу эса зарарли микробларни қириб ташлайди.

Дарахт бор жойда сув ҳам тоза бўлади ва бу сув ноёб жониворларнинг яшашини енгиллаштиради. Ўсимликлардан чиқаётган шифобахш моддалар инсон ва жониворлар организмидаги касаллик қўзғатувчи вирусларни қийратади. Ўрмон ёки дарахтзорлар қорлар эришини секинлаштиради, дарёлардаги сув режимини тартибга солади, тупроқнинг унумдор қисмини ювилишдан сақлайди. Аммо серхосият дарахтлар айниқса, арча жуда секин ўсади, 600—700 йилда 12 метрга етади. Айниқса, кейинги пайтларда тоғ бағрига сайилга чиқувчилар кўплаб ниҳолларни нобуд қилмоқдалар. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, табиат инсонга ажойиб шифобахш сувлар ҳам инъом қилган, лекин бундан ҳам мақсадга мувофиқ фойдаланилмаяпти. Қизилтепа, Полвонтош, Чимён кабилар шулар жумласидандир. Айрим жойларда минерал сувли булоқлар ёки қудуқлар сувидан бетартиб фойдаланиш сабабли қимматли «оби ҳаёт» беҳуда исроф бўлмоқда. Арашан суви (Оҳангарон водийси)ни тиббиёт ходимлари ўз назоратига олишлари керак.

Табиатшуносларнинг ҳисобига кўра кейинги 2000 йил ичида ҳайвонларнинг 106, қушларнинг 139 тури бутунлай йўқотилган. Ўзбекистоннинг тоғ ва адирларидаги ўсимликлардан тартибсиз фойдаланиш оқибатида айрим ўсимлик турлари йўқолиб, ҳозир Писталитоғ, Анжирли, Ёнғоқли, деб аталувчи жойларнинг номигина қолган. Чотқол тизмасининг айрим участкаларида ўсувчи оловдек яшнаб турадиган пиёнгул каби ноёб ўсимликлар чорва моллари ва дам олувчилар томонидан оёқ ости қилинмоқда. Табиатнинг гўзал инъоми бўлган тоғ лолаларини чайқовчиларнинг қўлига тушишидан сақлаб қолиш ҳаммамизнинг ишимиз эмасми? Бундан 15—20 йил аввал Фарғона адирларида юзлаб гектар қўриқ ерлар зиразорлар билан банд эди, ҳозир эса зиразорлар тамоман йўқолиш арафасида турибди.

Табиат бебаҳо бойликларининг бундай йўқолиб кетишига йўл қўймаслигимиз зарур. Бунинг учун ўрмонларимизда қирқилаётган дарахтлар ўрнига кўчат ўтқазиш, ёш дарахтларни қирқмаслик, ўсимликларни, шунингдек сувда ўсувчи ўсимликларнинг турини кўпайтиришимиз ва уларнинг барча турини сақлашимиз керак.

Баъзан ўсимлик ёки ҳайвон «зарари» учун йўқ қилинади. Аксинча бу зарарли ўсимлик ёки ҳайвон фойдали бўлиб чиқади. Она табиатимиз яратган барча тирик мавжудот бизнинг бойлигимиздир.

Зарарли ўсимлик деганда ҳар қандай киши ҳаёлига маданий ўсимликларга зарар келтирадиган, чорва молларга озиқ бўлмайдиган ва заҳарли ўсимликлар келади. Масалан, оққурай—бегона ўт, шу билан бирга-ликда заҳарли ҳамдир. Чорва моллари истеъмол қилганда бола ташлаш ва қисир қолиши мумкин. Лекин тиббиётда бу ўсимликдан кенг фойдаланилади. Шунинг учун уни асраш, табиий запасларидан эҳтиётлик билан фойдаланиш зарур. Исириқ чорва молларига ем бўлмаганлиги сабабли яйлов жойларда кўпайиб кетиши мумкин. Лекин тиббиётда у ҳам қадимдан машҳур доривор ўсимликдир. Мингбош, зуптрум, бақаяпроқ, қоқиўт, қорабош ва бошқалар фойдали доривор ўсимликлардир.

Ёввойи ўсимликлар орасида кўпчилик кишилар истеъмол қиладиган витаминга бой ялпиз, исмалоқ, отқулоқ, жағ-жағ ва бошқаларни мисол келтириш мумкин. Хуллас барча зарарли ўсимликларнинг киши ҳаётида катта аҳамияти борлиги текширишлар натижасида исботланган ва исботланмоқда.

Биз учун турли ҳайвонлар фойдали бўлибгина қолмай табиат мувозанатини сақлаб турувчи, бебаҳо бойлик бўлган табиатнинг ноёб эҳсонидир.

Табиатга, табиий муҳитга инсоннинг эҳтиётсизлик билан аралашуви салбий оқибатларга олиб келиши турган гап. Табиат доим мувозанатда бўлади. Агар зарарли деб бирор ҳашарот ёки ҳайвонни йўқотиб юборсак табиат мувозанати бузилади. Бир турнинг йўқолиб кетиши бошқа турнинг ҳам йўқолиб кетишига ёки кўпайиб кетишига олиб келади.

Қисқаси, табиат неъматлари бўлган барча ҳайвонлар, ўсимликларни кўз қорачиғидай сақлаш, улардан меъёрида фойдаланиш, ортиқча нобуд бўлишига асло йўл қўймаслик керак. Акс ҳолда биз ўрнини ҳечқачон, ҳечқандай тадбир-чора билан тўлдириб бўлмас йўқотишларга сабаб бўламиз. Ҳозирги ва келажак авлодларнинг таънасига қоламиз.

**Д. ТЎХЛИЕВ.**

## • ФАОЛИЯТИМИЗ ДАСТУРИ •

ТАБИАТНИ муҳофаза қилиш, атроф-муҳитнинг мусаффолигини таъминлаш ниҳоятда мушкул иш эканлигини ўз фаолиятимизда кўриб турибмиз. Бу илгарилари шу муҳим муаммога деярли эътибор берилмаганлиги, халқимизнинг экологик онгини ошириш ҳеч кимнинг эсига келмаганлиги, қолдиқ принципи асосида ёндошилганлиги оқибати бўлди.

Кейинги йилларда, айниқса экологиянинг ниҳоятда ачинарли аҳволга тушиб қолганлиги маълум бўлгач бонг урилди. Жойларда табиатни муҳофаза қилиш идоралари ташкил этилди. Бизнинг инспекция ҳам иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин шу қисқа вақт ичида ноҳия саноат корхоналари, транспорт ташкилотлари, жамоа ва давлат хўжаликларида атроф-муҳит мусаффолиги аҳволини текшириш ўтказилди. Улар бу соҳада камчиликлар жуда кўп эканлигини кўрсатди.

Ўтган йилнинг кейинги ойларидан бирида ўтказилган текширувлар шундан далолат бериб турипти. Ой давомида жамоат вакиллари билан биргаликда йигирма корхона ва хўжаликда бўлдик. Лекин бирортасидан ҳам кўнглимиз тўлиб қайтмадик. Уларда теварак-атрофни ифлослантирувчи, сув ҳавзаларини булғатувчи манбалар кўп эди. Шуларни ҳисобга олиб, еттита расмий ҳужжат тузилди, айбдор шахсларнинг айримларига жарима солинди, учта ишлаб чиқаришни тўхтатиш ҳақида кўрсатма берилди. Биргина С. Сегизбоев номли давлат хўжалиги ходимларидан олти киши давлат инспекцияси кўрсатмаларини бажармаганлиги, камчиликларни бартараф этмаганлиги учун катта миқдорда жарима тўлашга мажбур бўлди.

Балиқ овлаш қоидаларини бузиш, сув ресурслари ва ўсимлик дунёсини ҳимоя қилиш тартибига амал қилмаслик каби иллатлар ҳам фош қилинди. Масалан, Ғалаба ноҳиясидаги Свердлов номли жамоа хўжалиги шофёри М. Хабибулин Оҳангарон дарёси соҳилидаги буталарни ўзбошимчалик билан қирқаётгани устидан чиқиб қолди. Ҳайдовчи ўн беш сўм жаримани ёнидан тўлади. Шофёр Г. Шерматов ўз машинасини шу дарёда ювганлиги учун йигирма беш сўм жарима тўлашга мажбур бўлди. Оҳангарон дарёсида балиқ овлаш тартибига амал қилмаган тошкентлик О. Ткачукнинг тўри мусодара қилинди ва бунинг устига йигирма сўми ундириб олинди.

Оққўрғон шаҳридаги «Осиё» ширкати раиси қилган иш номаъқулчиликнинг ўзи бўлди. У ҳечқандай рухсат олмай, ўзбошимчалик билан кўкариб турган дарахтларни кесган. Ҳисоб-китоб қилиб кўрилганда бу билан давлатга 398 сўмлик, агар уни пул билан ўлчаш мумкин бўлса, зарар келтирган. Айбдор шунча миқдордаги маблағни ёнидан тўлади, қўшимча яна юз сўм жаримани ҳам қуртдай санаб берди. Ҳа, ўзбошимчалик унга қимматга тушди. Бу у ва унга ўхшаганлар учун сабоқ бўлишини истардик.

Ноҳия Кенгашининг IV сессияси табиатни 2005 йилгача бўлган даврда муҳофаза қилиш дастурини тасдиқлади. Унда инспекциямиз олдида турган вазифалар аниқ кўрсатиб берилди. Биз бундан буён уни амалга ошириш учун тинмай курашамиз...

**Б. РОЗИҚОВ,**
**Оққўрғон ноҳия табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи.**




● **ЗОМИН** давлат қўриқхонаси жумҳуриятимиздаги 12 та шундай масканнинг энг гўзалларидан бири ҳисобланади. Унинг табиати жуда ранг-барангдир. 5600 гектарни эгаллаган майдонда ўсимликларнинг 700 га яқин тури, ҳайвонларнинг 30 тури ва паррандаларнинг 140 тури ёнма-ён яшамоқда.

Сураткашлар С. ВЕЛИЧКИН, А. КОШКИН. (ТАСС).

ҲАР ТЎҒРИДА

## ТУНЛАРИ БЕДОРЛИКДА

**Йирик рус математиги А. Ляпунов «Айланиб турган суюқликнинг мувозанати кўринишлари тўғрисида» деган шоҳ асарини ёш йигитлик даврида ёзишга киришган эди.**

**Кучлардан бир куни олим дифференциал тенгламалар тартибини ечиш учун роса бош қотирди: унга кўчадан ўтаётган араваларнинг шовқини халақит берарди. Иши юришмагач, у масалани кечаси, ҳамма тинчиган вақтда ечишга аҳд қилди.**

**Дарҳақиқат, математик кечаси масалани тезда ечди. Шундан кейин олим кунни тунга, тунни кунга алмаштирди. У узлуксиз қирқ йил мобайнида кечаси ишлади, кундузлари бўлса ухлади ва ниҳоят вафотидан бироз илгари ажойиб асарнинг учинчи жилдини ёзиб тугатди.**

**А. АЛИЕВ** тайёрлаган.

# «ЧОР ДЕВОН»НИНГ ИЛК САҲИФАСИ

МАЪЛУМКИ, Алишер Навоий туркий назмда яратган намуналаридан уч марта девон тузган:

1. «Бадое ул-бидоя» (1466—1482 йй.)
2. «Наводир ун-ниҳоя» (1482—1492 й.й.)
3. «Хазойин ул-маоний» (1492—1499 й.й.)

Учинчи, мукаммал девон «Хазойин ул-маоний» 20 га яқин лирик жанрда битилган 3130 та шеърдан иборат. Жами 45 мингга яқин мисрани ўз ичига олади. Мазкур девон тўрт қисмга бўлиниб, ҳар бир қисми мустақил номланган ва шу боисдан «Чор девон» (4 та девон) дейилган.

Мактаб дарсликларида, Навоий ижодига оид қўлланма ва тўпламларда ҳам юқоридаги маълумотлар мавжуд. Аммо «Хазойин ул-маоний» девонидаги тўрт бўлим қайси ғазал билан бошланиши ёки мазкур девондаги илк ғазал ҳақида кўпчилик китобхонлар аниқ маълумотга эга эмас. Бир неча йил аввал «Шарқ юлдузи» ойномасида Навоийнинг илк ғазали деб «Ашрақат...» сўзи билан бошланувчи ғазал берилганди. Бироқ бошқа манбаларда: «Оразин ёпқоч кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш...» сатрлари билан бошланувчи ғазални Алишер Навоийнинг биринчи асари деб ишора қилинади.

Биз у ёки бу ғазал биринчи ёзилган деб баҳслашмоқчи эмасмиз. Аммо аниқлик киритиш мақсадида «Хазойин ул-маоний» девонидаги илк саҳифа «Ашрақат...» ғазали билан бошланишини айтиб ўтмоқчимиз. Бу улуғ бобомизнинг нечанчи ғазали эканлиги бизга қоронғу. Бироқ беш аср мобайнида турли котиблар томонидан кўчирилган Навоий девонининг аксарияти ушбу ғазал билан очилган. Қуйида «Хазойин ул-маоний» («Чор девон»)нинг илк саҳифасидаги биринчи ғазални ўқийсиз:

**Ашрақат мин акси шамс ил-каъси анвар ул-худо[1]**
**Ёр аксин майда кўр, деб жомдин чиқди садо.**
**Ғайр нақшидин кўнгул жомида бўлса занги ғам,**
**Йўқтур, эй соқий, майи ваҳдат масаллиқ ғамзудо[2].**
**Эй, хуш ул майким, анга зарф[3] ўлса бир синғон сафол,**
**Жом ўлур гитинамо[4], Жамшед ани ичган гадо.**
**Жому май гар бўйладур, ул жом учун қилмоқ бўлур —**
**Юз жаҳон ҳар дам нисор, ул май учун минг жон фидо.**
**Дайр аро хуш аҳли расво қилғали, эй муғбача[5],**
**Жоми май тутсанг мени девонадин қил ибтидо.**
**Токи ул майдин кўнгул жомида бўлғач жилвагар,**
**Чеҳраи мақсуди маҳв ўлғай ҳам ул дам моадо[6].**
**Ваҳдати бўлғай муяссар май била жом ичраким,**
**Жому май лафзин деган бир исм ила қилғай адо.**
**Сен гумон қилғондин ўзга жому май мавжуд эрур,**
**Билмайин нафъи[7] этма бу майхона аҳлин, зоҳидо.**
**Ташна лаб ўлма, Навоий, чун азал соқийсидин:**
**«Ишрабу ё айюҳал ат-шон»[8] келур ҳар дам нидо.**

1. Байтнинг мазмуни: Худонинг нурлари қуёш косасига тушиб, унинг аксидан қуёш ялтирагани (жилвалангани) каби ёр аксини кўрмоқчи бўлсанг майга қара, деб жомдан садо чиқди.
2. Мисранинг мазмуни: Эй, соқий, бирлик майи каби тинчлантирувчи йўқдур.
3. Зарф — идиш.
4. Гитинамо — оламни кўрсатувчи (Мисранинг мазмуни: жом агар оламни кўрсатувчи бўлса, бу жомдан май ичган ҳар бир гадо Жамшиддек шоҳ бўлади).
5. Муғбача — асл маъноси: ибодатхонада хизмат қилувчи бола; кўчма маъноси: май ташувчи бола.
6. Моадо — бўлак ... дан ташқари.
7. Нафъи — бирор фойда.
8. «Ишрабу ё айюҳал ат-шон» — «Эй, шон аҳли, ичинглар».



● ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «Ўзбекистон» нашриёти мусаввирлари ҳам Навоий сиймоси туширилган тақвим ва деворий суратлар ишлашди. СУРАТДА: бош рассом Н. Алиев ижодхонасида.

Сураткаш С. МАҲКАМОВ.

Очилди МИРИЙ
XIX аср

# НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Гар узатсам сўз, ҳаёл андин паришон ўлмасун,
Орзу гар зоҳир этсам, тарҳи ёлғон ўлмасун,
Эй, умедим сарви, сенсиз менга бўстон ўлмасун,
Сенсизин, эй умр, бир сот манга жон ўлмасун,
Сен бўлибсен тўбию фирдавси ризвон ўлмасун.
Мардуми дийдам ҳарими хизмата маҳрам қилинг,
Гарчи улдур беадаб, лекин бу ҳурматдур менинг,
Ҳар на сендин келса, жоним узра миннатдур, билинг,
Деб эмишсен, куйдурай деб доғ ила кўнглин унинг,
Ҳар нечук доғ ўлса ўлсун, доғи ҳижрон ўлмасун.
Эй, кўзумнинг мардуми, хуноба́лиғ ғамдин қутул,
Меҳри кўнглум кулбасиға қилди маскан, шод бўл,
Эй, муродим шахси, қўл қовуштириб ҳар дам букул,
Ул пари кўнглумда меҳмон ўлмиш, эй жон, воқиф ўл,
Оҳ ўти дуд этмасун, заҳм ичра пайкон ўлмасун.
Эй, кўзумнинг нури кел, кўз нури кетибдур ғам аро,
Ким, ғами нури кўзумдин қолмишам мотам аро,
Қил вафодин шод, йўқ сендек манга одам аро,
Даҳр боғининг вафоси йўқ эмиш олам аро,
Айтинг, ул гул ҳусниға мағрур чандон ўлмасун.
Сен, сену меҳринг садоқат бирла тамҳидим, соғин,
Ҳожатимни қил раво, ҳижронға кўп ўртанмоғин.
Мирий, жонинг нақдини илкингга ушлаб тўхтоғин,
Деди: Жон бергил, дағи ўпкил оёғин туфроғин,
Эй, Навоий, тезроқ ўлғил, пушаймон ўлмасун.

## ГАҲИ ШИРИН, ГАҲИ ЛАЙЛИ...

Солдатскоедаги ноҳия пионерлар уйида буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди. Кечага ноҳия марказида жойлашган мактабларнинг ўқувчиларидан ташқари қишлоқ тарбия муассасаларининг пионер ва комсомоллари ҳам таклиф этилганди.

Ноҳия маданият уйи драма тўгараги раҳбари Г. Жуманова ва Сайёра Абдусоҳатовалар «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонларидан Ширин ва Лайли монологларини эсда қоладиган ҳаракат ва рамзлар орқали ифодаладилар. Драма тўгараги қатнашчилари эса Навоий асарлари асосида тайёрлашган саҳна кўринишларини намойиш қилишди.

Ҳ. ЗОКИРОВА.

Муҳаррир ўринбосари
С. Ғ. МУСАЕВ.

БАҲОСИ: Обуначига — 6 тийин. Сотувда — 10 тийин.

## • РАССОМ ХАНДАСИ •




— Тавба, қўлимга ҳеч ушлаб кўрмаган бу пулларни энди супуриб юрсам-а!!.




1961 ЙИЛ ПУЛИ: — Сендай пайтимда менга бозорда бир қоп нарса беришарди, сенга бўлса...

Ш. МУЗАФФАРОВ ва М. УНГАРОВлар чизган расмлар.

● Эълонлар бурчаги ●

Ўзбекистон ССЖ Маданият вазирлиги
М. Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
24 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.30 ДА
ЎЗБЕКИСТОН ССЖДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ
Фахриддин УМАРОВ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЛЕНИН КОМСОМОЛИ
МУКОФОТИНИНГ СОВРИНДОРИ
Ҳожиакбар ҲАМИДОВ
ИШТИРОКИДА
КОНЦЕРТ

Чипталар Халқлар дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Д. — 1909. Индекс: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12